

НУТҚИЙ ТУЗИЛМАЛАР СЕМАНТИКАСИДА КОННОТАЦИЯ ҲОДИСАСИ

В.Холматова¹*Аннотация:*

Мулоқот жараёнида сўзловчи шахс воқеликдаги нарса-ҳодисалар ҳақидаги оддий ахборотни етказиш билан чегараланиб қолмасдан, балки ушбу ҳодисага нисбатан ўз муносабатини билдириши ҳамда шу йўсинда тингловчининг онги, ҳиссиётларига таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Сўзловчининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ бўлган интенция коннотацияси тингловчини маълум бир ҳаракатга ундаш маъноси доирасида юзага келади.

Калит сўзлар: нутқий тузилма, семантик структура, таг маъно, коннотация, интенция, мулоқот вазияти, пресуппозиция, импликация, прагмалингвистика.

doi: <https://doi.org/10.2024/hrywnn11>

Нутқий тузилмалар семантикаси номинатив ва коннотатив маънолар ўзига хос жамламасидан ташкил топади. Тузилмалар коннотатив ва номинатив маъно бўлаклари ўртасидаги муносабатни ўрганиш прагмалингвистиканинг асосий вазифаларидан биридир.

Тадқиқотчилар хабарни етказиш учун зарур бўлган асосий лисоний бирлик сифатида гапни ажратишга одатланишган. Гап яхлит мазмунга эга бўлган бирламчи нутқий ҳодиса ҳисобланади. М.Я Блохнинг талқинича, гап нутқий фаолият жараёнида, ўз маъносини вазият билан боғлиқ ахборот мундарижасига мослаштирган ҳолда, номинатив ва предикатив хусусиятлар яхлитлашувини намоён қилади (Блох 1986:98-99). Номинатив жиҳат намоён бўлишида воқеа-ҳодисанинг номланиши кўринишидаги маълум бир вазият ифода топади. Предикатив хусусият воқеланишида эса пропозиция ёки воқеа номи воқелик билан боғланади. Бунда сўзловчи воқеани ҳақиқийлиги ёки хаёлилигини, қайси пайтда ва қандей шароитда кечаётганини белгилайди ва натижада хабар турли модал бўёқларини олади (Ўша ерда, 123 б).

Ҳар бир нутқий ҳаракат объектив ва субъектив хусусиятларнинг ўзаро мураккаб муносабати нутқий тузилманинг кўп жиҳатли бўлишини таъминлайди. Ушбу муносабатлар доирасида асосий номинатив ва предикатив маъно бўлаклари билан бир қаторда, кўплаб ўзига хос қўшимча маъно бўлаклари ҳам ифода топади. Мазкур қўшимча маъноларнинг юзага чиқиши мулоқот контексти, маълум муҳит билан боғлиқдир. Бунда сўзловчи ва тингловчи ижтимоий мақоми шахсий хусусиятлари ҳам ўзига яраша ўринни эгаллайди. Эслатилган қўшимча маъноларнинг кўпчилиги тагмаъноли кўринишга эга бўлиб, контекст воситасида англашинилади. Ўзбек тилшуносларининг қайдича, “ифоданинг яширин баёни, жумланинг тагмаъноси коммуникация иштирокчиларининг фикрлаш фаолияти билан ва уларнинг олам ҳақидаги тасавурлари билан узвий боғланади. Сўзловчининг ташқи олам ҳақидаги тасавури қанча кенг бўлса, у нутқий вазият даражасини шу қадар тез фаҳмлайди. Шунинг учун ҳам ифода семантик структурасидаги ахборот кўринишларини ошкора ёки яширин баён қилиш, ошкора ифодалаб бўлмайдиган ахборот кўринишини

¹ Холматова Вазира Нарзуллаевна, Қарши Муҳандислик Иқтисодиёт Институтини Хорижий тиллар кафедраси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

тагмаъно шаклида бериш сўзловчининг ички мақсади билан боғлиқдир” (Ҳакимов, Газиева 2020: 73).

Лисоний бирликнинг қўшимча, баъзан бўёқдор маъноси тилшуносликда кўпинча “коннотация” тушунчаси билан боғланади. Коннотация термини латин тилидаги *connotare* – “қўшимча ифодалаш” сўзидан олинган бўлиб, тилшунослик уни мантиқ фанидан ўзлаштирган. Ушбу термин дастлабки пайтларда луғат бирликларига нисбатан қўлланилган эди. Махсус луғатларда берилётган изоҳларда коннотациянинг семантик-стилистик мақоми билан биргаликда, унинг тил бирликлари эмоционал-экспрессив хусусиятларига ишора қилиши таъкидланади.

Жумладан, Д.Кристалнинг луғатида қуйидаги изоҳни ўқиймиз: “A term used on semantics as a part of a classification of types of meaning; opposed to denotation. Its main application is with reference to the emotional associations (personal or communal) which are suggested by, or are part of the meaning of a linguistic unit, especially a lexical item...” (Crystal 2008:102).

А.Ҳожиев томонидан тузилган “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғатида ҳам коннотация тушунчаси денотация тушунчасига қарама-қарши қўйилади: “Тил бирлигининг коннотатив маъноси (экспрессив, услубий муносабат каби қўшимча маъно ёки маъноларнинг) ифодаси” қабилида изоҳланади (Ҳожиев 2002:51-52).

И.В.Арнольднинг “Стилистика современного английского языка” номли китобида “коннотация” тушунчаси мундарижасида тўртта қисм ажратилади. Булар қуйидагилардан иборат: экспрессивлик, эмоционаллик, баҳо ва функционал-услубий бўёқдорлик (Арнольд 1990:7).

Матншунослик ва услубшунослик соҳаларида олиб борилган тадқиқотлар натижалари коннотация ҳодисаси моҳияти ва унинг мундарижаси борасида айрим мулоҳазаларни билдиришга имкон беради. Ушбу тушунчанинг қўлланиш кўлами ҳақида гап кетганида, унинг татбиқи фақат сўз ёки сўз бирикмаси қатлами билан чегараланиб қолмаслиги керак. Коннотация тушунчаси, энг аввало лисоний унсурнинг маълум контекст муҳитида қўлланиш мўлжалига ишора қилиши сабабли, тилнинг асосий ахборот бирлиги, яъни нутқий тузилмасига нисбатан ишлатилиши лозим. Зотан, нутқий фаолият жараёнида фаоллашган гап кўринишидаги тузилма ахборот етказиш мақомига диктема, яъни гапларнинг мавзуй бирлашуви таркибига эга бўлади. Ушбу бирлашма, ўз навбатида, маълум прагматик- лисоний хусусиятлар мажмуасига эга бўлади (Блох 1986: 120).

Тадқиқотчилар томонидан аънанавий равишда ажратиб келинаётган коннотатив маъно бўлаклари ҳақида фикр юритаётиб, энг аввало экспрессивликнинг бошқа коннотатив бўлақлардан фарқи аҳамият қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Экспрессивлик, аслини олганда, нутқий ҳодиса бўлиб, нутқий фаолият натижасида юзага келади. Демак, экспрессивликнинг оддий семантик унсур сифатида қараш нотўғри. Экспрессивлик нутқий тузилманинг прагма-стилистик хусусиятидир ва унинг коннотатив маъно бўлагини ташкил қилади. Ушбу хусусият етказилаётган ахборотнинг сўзловчи коммуникатив мўлжали ва тилдан фойдаланиш меъёрининг мазкур мулоқот шароитига мос келишини таъминлайди. Энг муҳими, у мулоқот самарасига етарлича ҳисса қўшади.

Коннотация мазмун шаклланишига қўшадиган ҳиссаси эмоционаллик, баҳо ва услубий бўёқ билан чегараланиб қолмасдан, балки янада кенгроқ кўламда намоён бўлади. Санаб ўтилган маъно бўлақларидан ташқари, мулоқот қатнашчилари ва шароити билан боғлиқ ва ўзаро муносабатлар кўламида юзага келадиган маъно бўлақларини ҳам эътибордан қочирмаслик керак бўлади.

Бадий адабиётда айрим пайтларда муаллиф воқеалар баёнини ўқувчи асар персонажлари ва вазият билан олдиндан танишлигини тасаввур қилган ҳолда бошлайди. Бундай стилистик услуб тасаввурдаги пресуппозицияга асосланади.

Ўқувчининг диққатини зудлик билан жалб қилиш ва уни баён қилинаётган ҳодиса иштирокчисига айлантириш мақсадни кўзловчи ушбу усул намунасини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: He came back into the kitchen. The man was still on the floor, lying where he had hit him, and this face was bloody. (W. S. Maugham. The Unconquered). Қабристон жимжит. Фақат йулакнинг икки четида саф тортган мирза тераклар қабр устига бош эгган фарзандлардек онага ором тилаб алла айтади. Уларнинг мунгли шивирлаши тиловат садоларига кўшилиб, юракни эзувчи оҳангга айланади... Оқ сурп яктак кийган, мошгуруч соқоли ўзига ярашган гўрков юзига фотиҳа тортиб ўрнидан туради (Ўткир Ҳошимов. Тасалли).

С.Моимнинг “Unconquered” ва Ўткир Ҳошимовнинг “Тасалли” номли ҳикоялари бошланиш қисмидан олинган ушбу парчаларда анафорик олмошларнинг қўлланиши ва матннинг семантик-грамматик тузилиши ўқувчининг баён қилинаётган воқеа билан таниш қилиб кўрсатиш тағмаъносига ишора қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Блох М.Я. Теоретическая основы грамматики . – М.: Высшая школа, 1986.
- [2]. Ҳакимов М., Газиева М. Прагматическая лингвистика асослари. – Фарғона: Classic, 2020. – 420 б.
- [3]. Crystal D. A Dictionary of Linguistics and Phonetics. – Blackwell Publishing, 2008. – 529 p.
- [4]. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 164 б.
- [5]. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1990.
- [6]. Kholmatova V.N. Communicative means of expressing constative and confirming speech acts // Journal of Critical Reviews (Scopus). ISSN- 2394-5125. Vol 7, Issue 5, 2020. – P. 469-471.
- [7]. Kholmatova V.N. Different Shades Of Pragmatic Meaning Of Agreement Formed By Modal Words European Journal of Molecular & Clinical Medicine, (Scopus). 2020, Volume 7, Issue 6, ISSN: 2515-8260. Pages 2184-2188.
- [8]. Ашуров Ш. С. К проблеме типологии субстанциональных синтаксем (на примере английского и узбекского языков) // Ученый XXI века. – 2016. – №. 2-5.
- [9]. Ashurov S. S. Инглиз ва ўзбек тилларидаги интернационал мақоллар таржимасидаги ассиметрик ҳолатлар // Молодой ученый. – 2020. – №. 18. – С. 584-586.
- [10]. Ашуров, Ш. 2023. Лексические особенности английских эквивалентов узбекских пословиц, передающих национальные ценности. Зарубежная лингвистика и лингводидактика. 1, 1 (янв. 2023), 1–10. DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol1-iss1-pp1-10>.
- [11]. Humorous phraseologisms - as a tool of funny assessment of real events (in French material) Shahobiddin Ashurov and Nigorabonu Suvonova BIO Web Conf., 65 (2023) 10024 DOI: <https://doi.org/10.1051/bioconf/20236510024>